



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги

Жамоатчилик кенгаши раиси

М.Мамадиярова

“10” 2023 йил

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш

БАЁНИ № 27

“07” октябрь 2023 йил

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

М.Мамадиярова – вилоят ҳокими  
ўринбосари в.б., кенгаш раиси

Қатнашдилар:

Кенгаш аъзолари, корхона, ташкилот  
раҳбарлари (рўйхат бўйича)

### КУН ТАРТИБИ:

#### Коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш тўғрисида

(М.Мамадиярова, Н.Раҳимова, Ж.Атауллаев,....., М.Мамадиярова)

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б. М.Мамадиярова сўзга чиқиб, 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини кўтаришга, фуқаронинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратшга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Шу билан бирга, коррупция жиноятининг вужудга келиш тарихи тўғрисида, жумладан, коррупция – бу мансабдор шахслар фаолияти билан боғлиқ жиноят эканлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича Сингапур давлатининг олиб борган тажрибаси алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, коррупциянинг олди олинishi натижасида ушбу давлат ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олганлиги таъкидланиб, коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усулларида бири – ҳар қандай соҳада, тизимда коррупция ҳолатларнинг вужудга келтирувчи шарт-шароитларга барҳам берилиши кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш давомида кенгаш аъзолари ҳуқуқ-тарғибот органлари вакилларида соҳа бўйича ўзларини қизиқтирган саваолларига жавоб олишди.

Йиғилишда келгусида давлатимиз равнақи учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси масъул эканлиги, коррупцияга қарши курашиш – бутун бир миллат зиммасидаги масъулият эканлигини англаб, миллий давлатчилигимиз равнақи учун барча сидқидилдан меҳнат қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда сўзга чиққанларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б., кенгаш раиси М.Мамадиярова ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.


2. Вилоят ҳокими матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчисига “Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият тараққиётини кафолати” мавзусида видео ролик тайёрлаш ҳамда ижтимоий тармоқ саҳифаларига жойлаштириш вазифаси топширилсин.

3. Вилоят адлия бошқармасига фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратиш, бу борада барча туман (шаҳар)ларда аҳоли ўртасида давра суҳбати ўтказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Барча ҳудудий бошқарма, корхона, ташкилот раҳбарларига ўзлари раҳбарлик қилиб келаётган идорада ходимлар ўртасида коррупциянинг жамият тараққиётига зарарли оқибатлари хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни таклиф этган ҳолда семинарлар ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирди



Ж.Атауллаев